# ДЕМОКРАТИЯЛАШ — ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ МОҲИЯТИ, СОЦИАЛИЗМНИНГ МОҲИЯТИДИР

**(Давоми. Боши биринчи ва иккинчи бетларда).**

Яна бир гап. Октябрнинг 70 йиллиги тўғрисидаги доклад жуда кўп эшик ва дарвозаларни очди, жуда кўп аниқ кўрсаткичлар қўйди. Биз одамларнинг тақдирини, ўз ишимизнинг йўналишини тушуниб олдик. Мамлакатимиз бунёдкорларининг энг мураккаб таржимаи ҳолларини, тақдирларини ўрганувчи комиссия тузилди. Бу комиссия ишининг нақадар муҳимлиги ва нечоғлик мураккаблигини англаб, редакторлардан бири сифатида, асосли, деб топилган ҳолларда реабилитация зудлик билан ўтказилишини истардим. Биз «Огонёк»да ўтмишдаги арбобларга тааллуқли материалларни қанчалик кўп босмайлик, нуқул партия органларининг ҳуқуқ доирасига тааллуқли жиҳатларни тилга олмасликка интиляпмиз. Мен бу масалага чуқур тўхталмоқчи эмасман. Бироқ бу масаланинг муҳимлигини ва келаётган хатларда ҳам, журналнинг барча учрашувларида ҳам шу масалага жуда қизиқиб қаралаётганини, бу мавзуда минглаб, ҳа минглаб, хатлар келаётганини эътиборга олиб, шу хусусда гапириб ўтиш истагим зўр эди. Партия шу қадар юксак ва ҳалоллик билан кўтариб чиққан ташаббус худди шундай қатъият, худди шундай принципиаллик билан ривожлантирилишини истаймиз.

«Новий мир» журналининг бош редактори **С. П. Залигин** ижтимоий ва маданий турмушнинг энг муҳим йўналишлари хусусида мунозаралар ўтказиш фойдали эканлиги ҳақида гапирди. Шимолий дарёлар сувини жанубга оқизиш лойиҳасининг тақдири бунга ёрқин мисолдир. Бу — бизнинг ижтимоий онглилигимиз учун, зиёлиларнинг, аҳоли барча қатламларининг активлиги учун имтиҳон бўлди.

**М. С. Горбачев.** Бир ҳафта муқаддам биз шу масалалар юзасидан қарор қабул қилдик. Умуман ҳамма сувни стратегик хом ашё тарзида тежаш ва сувдан фойдаланишда тартиб ўрнатишга асосланган лойиҳа киритиш ҳақида топшириқ бердик. Қишлоқда ҳам, саноатда ҳам, шаҳарларда ҳам, ҳамма жойда шундай бўлиши керак. Бу жуда муҳим қарор бўлади ва у комплекс тарзда бўлиши керак.

**С. П. Залигин.** Сув таъминотининг таклиф этилаётган янги программасида ўзимизнинг дарёлар суви оқимини ўзгартириш тўғрисидаги қароримизни батамом рад этадиган бандлар бор.

**М. С. Горбачев.** Сувдан фойдаланиш программаси лойиҳасида дарёларнинг оқимини ўзгартириш ҳақида гап бормайди.

Сўнгра С. П. Залигин Байкал кўли муаммосига тўхталди, табиатнинг мана шу ноёб дурдонаси тақдири хусусида ташвишланиб гапирди. Байкал тўғрисидаги тинимсиз мунозараларни якунлаш керак, бу мунозараларнинг бирон-бир таъсирчанлиги бўлиши зарур-ку ахир. Йўқ, мен Байкал, Ладога, дарёлар оқимини ўзгартириш ишларида олға силжиётганимиз йўқ, демоқчи эмасман. Булар — мислсиз иш, ахир!

**М. С. Горбачев.** Каспийни, Азовни қайта тиклаяпмиз.

**С. П. Залигин.** 25 йил муқаддам мен Қуйи Обь ҳақида ёзган эдим. Ўшанда ёнимда атиги икки-уч кишигина бор эди. Ҳозир эса жамоатчилик бор-ку!

**М. С. Горбачев.** Дарҳақиқат, умуман гидростанциялар концепцияси ерларни сув бостириш йўли билан ишлаб чиқилган эди. 10—12 миллион гектар энг яхши ерлар сув остида қолди! Бу ерлар чорвачилик базаси эди. Энди бўлса худди шундай ерларни ўзлаштириш ва уларда ем-хашак етиштириш учун мелиорация ўтказаяпмиз.

**С. П. Залигин.** Модомики, шу мавзуда гап очилган экан, ҳозир бизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш комитети тузилмоқда. Бу ишга эътибор ва сезгирлик билан ёндашиш жуда муҳим бўлур эди, чунки шу пайтгача мазкур соҳада иш кўриб келаётган министрликлар ўзларининг муҳофаза бўлимларини шу комитетга топширмоқдалар. Масалан, қанчадан-қанча номаъқулчиликлар қилган сув хўжалиги муҳофазаси бўлими комитетга ўтади. Биз ундан нимани кута оламиз?

**М. С. Горбачев.** Биз бу масалани муҳокама қилганимизда масала шу тарзда қўйилди: комитет қандай бўлади — хўжаликлар биланми ёки хўжаликларсизми? Ҳамма ўз фикрини айтди, сизнинг фикрингизни бизга етказишди. Унинг ҳеч қандай хўжалиги бўлмаслиги керак. У мустақил бўлиши, у фақат назорат қилиб туриши, унинг штатлардан ташқари кўпдан-кўп экспертлари бўлиши, бу олижаноб ишга жамоат арбобларини, яъни табиатни муҳофаза қилишдан ташвишланаётган барча кишиларни жалб этиши лозим.

**С. П. Залигин.** Кеча сенатор Брэдли бизнинг редакциямизда бўлди. У АҚШда сув хўжалиги министрлиги ишини назорат қилади. Биз у билан суҳбатлашдик, у менга: бу министрликларни қўя беринг, дунёда уларнинг ҳаммаси бир хил, чунки биз шу пайтгача табиий ресурслардан фойдаланиш жараёнини тартибга солишни ўрганиб олганимиз йўқ деб айтди.

С. П. Залигин КПСС Марказий Комитетининг ижодий союзлар ишига тааллуқли қарори суст бажарилаётганлиги ҳақида ҳам гапирди. Нотиқнинг фикрича, бунинг учун аввало шу союзларнинг ўзлари айбдор.

«Знамя» журналининг бош редактори **Г. Я. Бакланов** мамлакатдаги туб ўзгартишлар даври чинакам эл-юрт тақдирига тааллуқли иш эканини уқтириб ўтди. Иш натижасидаги чарчоқ ўтса, байрам бўлур эди-я, аммо натижасиз ишдан, одамлар неча йил ва ўн йилликлар давомида қилган ўз ишининг натижаларини кўрмаслик оқибатидан чарчоқ пайдо бўлмоқда. Бунда матбуотнинг ҳам айби борлиги кўриниб турибди. Жуда кўп гап айтилган бўлса ҳам, аммо, ёки биз орқага қараб кетамиз, ё бўлмаса дунёни ўзига эргаштириб борувчи буюк мамлакат бўлиб қоламиз, бундан бошқа йўл йўқ, сўнгги имконият мана шундан иборат, деган фикрни одамлар тушуниб оладиган асосий сўз мана энди айтилди.

**М. С. Горбачев.** Тўхтаб қолиш биз учун ҳалокатлидир. Ҳар қандай шароитда ҳам бунга йўл қўйиб бўлмайди.

**Г. Я. Бакланов.** Шу ҳалокатни кўплар кутишмоқда. Аммо шуниси борки, одамлар қайта қуриш тарафдори бўлсалар ҳам, аммо бундан нима чиқаркин, деб кўп киши ҳали ҳам шунчаки кутиб турибди. Агар уруш вақтида шунча одам кутиб турганида, биз ғалаба қозонмаган бўлар эдик. Ҳамма яхшироқ ҳаракатга келиши керак. Мана шу соҳада матбуот ҳозир рўй бераётган янгиликларни, иқтисодий, сиёсий жиҳатларни, истиқболларни чуқур, дадил таҳлил этиши лозим, деб ўйлайман. Шундай таҳлил этиш керакки, одамлар, ниҳоят, тарихий масъулиятнинг нақадар ўткирлигини тушуниб олсинлар.

Бир неча йил муқаддам, агар матбуотда бирон-бир факт маълум қилинса, тузумимизнинг негизлари ларзага келади, деб қўрқилар эди. Ҳозир ҳамма одамлар ҳамма нарса ҳақида ошкора гапирмоқда, ҳеч қиси йўқ, негизлар ларзага келмади, балки яхшироқ, эркинроқ нафас олинмоқда. Аммо ҳали эскилик сарқити кўп, ўқийдилар, муҳокама қиладилар, масаланинг қўйилишини тўғри, деб топадилару, ҳеч нарса қилмайдилар ёки ҳамма янгиликлар аста-секин тўхтаб қоладиган тарзда иш тутадилар.

Нотиқ маданият ва тарих ёдгорликларини сақлаб қолиш зарурлигини уқтириб ўтди, жумладан Лев Толстойнинг Ясная Полянадаги қўрғонини СССР Фанлар академиясига олиб бериш тўғрисидаги, Улуғ Ватан уруши йилларида ҳалок бўлган совет ватанпарварларининг хотирасига ҳурмат билан қараш руҳида тарбиялаш зарурлиги ҳақидаги масалани кўтарди.

Шундан кейин сўзга чиққан СССР театр арбоблари союзи правлениесининг раиси **К. Ю. Лавров** шу янги ижодий ташкилот ишининг биринчи йили ҳақида, бу ташкилот қайта қуришда, совет театри турмушини маънавий жиҳатдан янгилашда фаол қатнашаётганлиги тўғрисида гапирди. Ҳозирча унчалик кўп иш қилингани йўқ, янгиликни излаш, хатоларни бартараф этиш давом этмоқда, асарларнинг ғоявий-бадиий сифати бу ишдаги бош мезон бўлиб қолмоқда. Ижодкор зиёлиларнинг мароқли учрашувлари ўтказилмоқда. Маҳаллий театр ташкилотларига ёрдам бериш мақсадида кўп куч-ғайрат сарфланмоқда. Бу ерда ўтказилаётган тадбирларда дабдабабозликдан, бюрократик йўналишдан асар ҳам йўқ.

Менинг назаримда, деди нотиқ, ҳозир эзмалик ишимиздаги энг катта хавфдир. Гап камроқ, иш кўпроқ бўлиши керак. Бу бизга ҳам, жойлардаги маданият органларига ҳам тааллуқлидир. Жойларда кўпинча одатга кўра қайта қуриш тўғрисида юқоридан айтилган гапларни такрорлайдилару, ҳеч бир амалий иш қилмайдилар. Область ва шаҳарлардаги кўпгина театрларнинг аҳволи мушкул, улар ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Сўзининг охирида К. Ю. Лавров совет театр ташкилотларининг чет эллардаги касбдошлар билан ижодий алоқалари ва ҳамкорлиги ҳақида гапирди.

«Известия» газетасининг бош редактори **И. Д. Лаптев** матбуотнинг ўтган йилги ишини ва газетхонлар фикрини таҳлил этишга асосланиб, ижтимоий турмушнинг энг характерли ҳодисалари ҳақида гапирди. Тўғри йўл танлаб олинганига одамларнинг ишончи тобора қарор топмоқда ва кучаймоқда. Демократия ва ошкоралик ҳақиқатан ҳам қайта қуришнинг омиллари, унинг қуроли ва воситалари эканини турмуш кўрсатди. Ўзгартишларга интилиш бўшашмади, балки янада кучайди. Айни вақтда иллатларимиз ҳақида гапиришни унчалик хоҳламаслик майллари кўрина бошлади.

1988 йил аввало оммавий ахборот воситалари учун қайта қуриш ғоялари ва практикасини ҳимоя қилиш йили бўлиб қолиши керак. Экономикани қайта қуриш соҳасида бошланган улуғвор иш муносабати билан айниқса қийин вазифаларни бажаришга тўғри келади. Зотан бу ишда имирсиламаслик, балки осойишта ва жиддий, ақлидрок билан ишлаш лозим.

Сўнгра И. Д. Лаптев ижобий тажрибани пропаганда қилиш муҳимлиги ҳақида гапириб, бу соҳада янги иш ҳақидаги, янги машиналар тўғрисидаги ҳикояни эмас, балки янги муносабатлар, меҳнатни ташкил этишнинг янги формалари, яъни тажриба технологияси қандай қарор топаётганини кўрсатиб беришни назарда тутиш керак, деди.

**М. С. Горбачев.** Сизлар газеталарда янгилик кураш жараёнида қандай юзага келаётганини, муаммолар қандай ҳал этилаётганини асло безамасдан яхши кўрсата бошладингиз.

**И. Д. Лаптев.** Ҳозир экономикадаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, Давлат корхонаси тўғрисидаги қонунга риоя этиш муаммоси биринчи даражали аҳамият касб этмоқда.

Мана шундай вазиятда одамларнинг диққат-эътиборини матбуотга қандай жалб этиш, жамият ҳозирги турмушининг юксак руҳий қизғинлигини давом эттириш муҳимдир. Аммо бу ишда олдимизда жуда катта қийинчилик турибди. Бу қийинчилик бирон нарса ҳақида шунчаки ёзиш ёки ёзмасликдан иборат эмас, балки хом хаёлларни қўллаб-қувватламаслик, айниқса шундай хом хаёлларни тарқатмасликдан, пуч кичкириққа учмаслик, шов-шувга сабаб бўладиган ғаройиботлар кетидан қувмасликдан иборат. Газетхонларнинг хатлари экономикани қайта қуриш масалалари ишлаб чиқаришни ташкил этиш, иш ҳақи, нарх белгилаш, демократилаш, янгича сайлов уюштириш масалалари — айни мана шундай катта масалалар ҳозир энг қизиқарли масалалар эканини кўрсатиб турибди.

**М. С. Горбачев.** Бу масалалар мунозара орқали, кураш орқали кўрсатилганда қизиқарли бўлади. Газета ёки журнал — ижтимоий иш. Агар уларда фақат битта нуқтаи назар баён этилса, фикрлашув бўлмаса, бунинг оқибати нима бўлади? Бир тўда иккинчисига қарши, бир группа иккинчисига қарши бўлиб қолавермайдими? Халқнинг тақдири, халқнинг ташвиш ва қувончлари теварагида бирлашмоқ керак.

Шундан кейин И. Д. Лаптев журналистлар ишининг сифатини, журналистлик маҳоратини ошириш масалаларига тўхталди. Ҳозир бу масалалар алоҳида аҳамиятга, сиёсий характерга эга бўлиб қолганлигини таъкидлади. Чунки газетада эълон қилинган бирон-бир материал миллион-миллион кишиларни ҳаракатга келтириши мумкин. Шу муносабат билан оммавий ахборот воситаларининг ўқувчиларга, томошабинларга, тингловчиларга реал таъсирини ўрганиш билан жиддий шуғулланиш зарур. Ошкораликнинг маҳаллий оммавий ахборот воситалари каби қудратли резервини чинакамига ишга солиш зарур.

Нотиқ қонунларни такомиллаштириш, оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий аҳволи, уларнинг моддий базасини таъминлаш муаммоларига ҳам эътиборни қаратди.

Партия кейинги йилларда ўтказган ички ва ташқи сиёсатнинг етук проблемаларини назарий ва сиёсий жиҳатдан ишлаб чиқиш — қайта қуришнинг энг муҳим шарти ва энг муҳим жиҳатидир, деди СССР Фанлар академиясининг вице-президенти **П. Н. Федосеев.** Бу ўринда янгича фикрлашнинг ёндашувлари принципиал аҳамиятга эга бўлади. Бу ёндашувлар жамиятимизга, дунёга, тарихга марксизм-ленинизм нуқтаи-назаридан тийрак кўз билан янгича қарашдир. Октябрь 70 йиллиги ҳужжатлари — янгича фикрлашнинг яққол мужассамидир. Бу — совет жамияти, социалистик мамлакатлар, ривожланаётган мамлакатлар турмушининг ҳамма соҳаларига, капитализм дунёсига, жаҳон олдида турган муаммоларга ҳақиқатан ҳам янгича қарашдир. Чунки ҳам ташқи, ҳам ички сиёсатда халақит бераётган муайян ақидалар вужудга келган эди, Марказий Комитетнинг апрель Пленуми, XXVII съезд ва партиянинг шундан кейинги ҳужжатлари шу ақидаларга барҳам берганлиги жуда катта ҳам халқаро, ҳам ички сиёсий аҳамиятга эгадир.

Масалан, тинч-тотув яшаш синфий курашнинг бир формаси, у капиталистик мамлакатлардаги синфий курашни ривожлантиришга кўмаклашади, деган ақида ёйилган эди. Шу боисдан ҳам биз тинчлик ҳақида, тинч-тотув яшаш тўғрисида гапирганимизда бизга унчалик ишонишмас эди. Агар бу тинчлик, бу тинч-тотув яшаш мамлакатларимиздаги синфий курашга ёрдам берадиган бўлса, у қандай тинчлик бўлдию, қандай тинч-тотув яшаш бўлди, деб ўйлашар эди.

Бу фикрнинг КПСС XXVII съезди ҳужжатларида, партия Программасида йўқлиги ташқи сиёсатда кенг имконият яратди ва ҳамма нарса жой-жойига қўйилди, деб айтиш мумкин, албатта. Тинч-тотув яшаш — давлатлараро муносабат соҳаси бўлиб, ички ишларга аралашмасликни назарда тутади. Дарҳақиқат, биз давлатлар ўртасида тинчлик, ҳамкорлик, ўзаро алоқа тарафдоримиз, синфий кураш масалалари эса, ҳар бир мамлакатнинг ички ишидир.

Ёки бир бошқа ақида: бизнинг мамлакатимиздаги социализм шароитида ишлаб чиқариш муносабатлари ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишига тўла-тўкис мувофиқ келади, дейилар эди. Биз ҳам бу иборани анча узоқ вақт такрорладик ва улар бирон-бир босқичда, албатта мувофиқ келиши ва тўла-тўкис мувофиқ келиши, сўнгра эса улар ўртасида зиддият пайдо бўлиши ҳақида тузукроқ ўйлаб кўрмадик. Жамиятшуносларда эса изчил хулосалар чиқариш учун руҳ ҳам, қатъият ҳам етишмади. Фақат Марказий Комитетнинг апрель Пленуми, партиянинг XXVII съезди бу ақидани ҳам чиппакка чиқарди.

Жамиятшунослар қайта қуришнинг ҳамма поғоналарида: экономика, социал муносабатлар, маданият, онг соҳасида ишлайдилар. Бизда инсон, инсонпарварлик муаммолари диққат марказида турганини таъкидлаб ўтмоқчиман. Бу муаммоларни тўғри тушуниш, уларни оммавий ахборот воситаларида ёритиш бениҳоя муҳим аҳамиятга эгадир.

Сусткашлигимиз, орқада қолаётганлигимиз учун бизларни, олимларни тўғри танқид қилмоқдалар. Айниқса конкрет ёндашувларни ва стратегик йўлларни ишлаб чиқишда орқада қоляпмиз. Иқтисодий ислоҳот, демократияни ривожлантириш хусусида умумий қоидалар ҳақида жуда кўп ёзилди. Қайта қуришнинг мана шу асосий воситаларини амалга оширишда ёндашувлар ҳозирча етарли эмас. Иқтисодий ислоҳотнинг стратегик мураккаб масалалари ҳам ҳозирча етарли ишлаб чиқилмаяпти. Биз буни тушуниб турибмиз.

Фанга ва айниқса ижтимоий фанга жўшқинлик ҳаммадан ҳам кўпроқ керак. Бизда турғунлик ҳолатлари ва консерватизм ошиб-тошиб ётибди. Кадрлар ўзларини секинлик билан қайта қурмоқдалар, баъзи кимсалар эса ўзимизни қайта қуришнинг умуман ҳожати йўқ, бусиз ҳам яхши ишлаяпмиз, деб ҳисобламоқдалар. Шунинг учун ҳам мен сўзимнинг охирида бизга кўпроқ жўшқинлик кераклигини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман.

Газетхонларнинг: қайта қуриш тўғрисида гап-сўзлар камроқ бўлсин, унинг натижалари ҳақида конкрет материаллар кўпроқ бўлсин, икки йилдаги аниқ-равшан натижаларни айтиб беринг, энг яхши тажрибани кўрсатинг ва шу каби қатъий талаби — биз дуч келган энг катта қийинчилик бўлди, — деди «Советская Россия» газетасининг бош редактори **В. В. Чикин.** Эҳтимол, ҳар бир редакция коллективи олдида кўндаланг бўлиб турган энг муҳим ва қийин вазифа мана шу бўлса керак. Бу ўринда бир неча муаммо бор.

**Биринчиси.** Тажрибасини ўрганса бўладиган жойлар ҳозирча унчалик кўп эмас. Ҳозир жойларда — ташкилотлар, одамлар ҳам ўз тажрибалари ўрганилишини, умумлаштирилишини, уларга қандайдир плюслар қўйилишини унчалик хоҳламаётганликларини эътиборга олмоқ керак. Ҳозир ўз-ўзини танқид даври, кўпгина янгиликлар давридир. Ҳали ҳеч ким у ёки бу натижани ўз ғалабаси, деб кўрсатишга шошилмаяпти. Аммо мана шундай тажрибага эҳтиёж, қандайдир реал натижаларга эҳтиёж жуда катта.

Яна бир гап. Биз, журналистларнинг зеҳнимиз ҳали ҳам унчалик ўткир эмас. Биз турмушдан кўп нарсани фаҳмлаб ололмаяпмиз, фарқ қила олмаяпмиз ва ажрата олмаяпмиз. Юзаки баҳо ва фикрлар мана шундан келиб чиқмоқда.

Ҳозир пленумлар ва йиғилишларда қайта қуриш тўғрисидаги ҳисоботлар тингланмоқда. Биз бу ҳақда кўп материал босаяпмиз, аммо уларда ҳам биз тажриба адресларини унчалик кўп билолмадик. Умуман ҳисоботлар ва пленумларнинг ўзи жуда мароқли ўтмоқда, одатдан ташқари формалар кўп, ўткир гаплар, нутқларга ўткир эътибор билан қараш кўп. Биз Ярославлдан материал босиб чиқардик...

**М. С. Горбачев.** Материал яхши, қизиқарли чиққан. Умуман сизларда ҳисоботларни ёритиш хусусида кўп мароқли материаллар босилди, айниқса мулоқот, фикрлар тўқнашуви орқали берилган материаллар мароқли ва ибратлидир.

**В. В. Чикин.** Яна бир нарсани айтиб ўтмоқчиман. Қайта қуришни шахс миқёсида очиб бериш тажриба жиҳатларидан бири эканлиги шубҳасиз. Биз қайта қуриш ишбошилари тўғрисидаги очерклар туркумини тақдим этиб кўрдик. Ҳозиргача ўттиз-қирқтача шундай очерк бердик, аммо, кучимиз етмаётганини тан олиш керак. Биз ёзувчиларга мурожаат этмоқчи бўлдик. Газета билан аҳил бўлган бир неча ўртоқларимиз бор. Иван Васильев, Владимир Ситников шулар жумласига киради. Аммо — 40-йилларда бўлганидек, улардан бирортасини Москвадан қайта қуриш фронтига командировкага юбориш жуда қийин.

**М. С. Горбачев.** «Юбориш» буйруқчилик, маъмуриятчилик усулларига хос ибора. Илтимос қилинса бўлмасмикан? Биз Москвада бундай кишиларни топа оламиз, сиз чакки гапни айтдингиз.

**В. В. Чикин.** Бу — катта иш бўлур эди, аммо ҳозирча одамларда 15—20 йил муқаддам босилмаган нарсаларни бостириб олишга қизиқиш ҳар ҳолда кўпроқ.

Биз ҳозирги куннинг конкрет ҳодисалари ҳақида гапираётганимизда ҳозир, ҳар ҳолда буни бутун социализм концепциямиз билан боғлашга эҳтиёж катта. Бизда, менимча, «социализм кўпроқ бўлсин» деган ажойиб жуда мос, аниқ ибора юзага келди. Аммо кўпроқ дегани — кўпайтириш демакдир. Ҳозирги ҳар қандай ҳодиса илдизларимиз билан боғланган. Коллектив пудрат, кооператив ҳаракати, хўжалик ҳисоби ва шу кабиларнинг ҳаммаси социализмнинг моҳиятидан келиб чиқади ва ҳозир бизнинг социалистик ҳаракатимиз мана шу тарихини узиб қўйишимизга ҳожат йўқ. Беҳуда бўлган, турғунликка алоқадор, ишга халақит берадиган иллатларни моҳирона кўрсатиш билан айни бир вақтда инсон яшаб турган, турмушимизнинг бир қисми бўлган жонажон социалистик заминимизни кўра билмоқ керак. Ғоявий етимлик бўлмаслиги лозим.

Ғоявий душманимиз бизга ўз муаммоларимизни социалистик йўл билан эмас, балки хусусий мулкчи, капиталист қиёфасини қайта тиклаш йўли билан ҳал этиш мумкин, деган фикрни тиқиштиришга уринаётганлиги сир эмас.

Октябрнинг 70 йиллиги тўғрисидаги докладнинг зўр тарихий умидворлик руҳи менда, ҳаммамизда катта таассурот қолдирди. Бу — яхши негиз, биз тарихий изланишларда бир мунча босиқроқ бўлишимиз ва кундалик ишлар билан шуғулланишимиз керак. Афсуски, менинг назаримда, ҳозир матбуотдаги ҳамма материаллар ҳам шу руҳда эмас. Айниқса тарих теварагида қандайдир ховлиқмалик бор. Бу ўринда мен, фикримча одамларнинг дилида қоронғи жиҳатларни юзага келтирадиган ховлиқмаликни назарда тутяпман. Кеча Набережние Челни, Черемушка номларини қайта тиклаш тўғрисидаги ҳужжат, Сиёсий бюронинг қарори эълон қилинди. Жуда қатъий вазмин ҳужжат. Одамлар бу ҳақда гаплашиш, ўйлаш, фикр юритишни хоҳлашларини биламиз. «Известия»да кичикроқ, аммо турмушнинг катта сиёсий жиҳатларига тааллуқли, одоб билан оқилона ёзилган жуда чиройли материални ўқидим. Бироқ бошқа бир газетада бутунлай ўзгача тусдаги мақолага дуч келдим.

**Овоз.** «Московская правда» газетасида.

**В. В. Чикин.** Мени кечирасизлар-у, унда умуман таҳқиромуз оҳангдаги иборалар бор.

**М. С. Горбачев.** Унда шов-шув қўзғатишга қандайдир муккасидан кетиш ҳоллари намоён бўлмоқда. Бизнинг матбуотимизга шу хусусият хос бўлиши керакми, ахир? Келинглар, ҳам бугунги, ҳам кечаги қийин муаммолар ҳақида жиддий, аммо масъулият билан илмий руҳда ёзайлик, энг қийин материални чинакамига атрофлича тушунтириб берайлик. Агар хато қилган бўлсак, уни тузатиш керак. Ҳатто энг жиддий хатоларни ҳам тузатиш лозим. Хўш, бунинг учун мардлигимиз етишмайдими? Модомики, шундай революцион ишни — мамлакатни турғунликдан чиқариб олиш ишини бошлаган эканмиз, бу муаммоларни муҳокама қилиб, якдиллик билан қарор қабул этишга ва баҳамжиҳат қадамлар қўйишга наҳотки мардлигимиз етишмаса?

Мен — мамлакатимизда социализм, демократия, ошкоралик, танқид принциплари тантана қилиши тарафдориман. Ҳалоллик, рўйростлик бўлсин. Буларнинг ҳаммаси қандайдир бачкана шов-шувлар йўлида эмас, халқ манфаатлари йўлида хизмат қиладиган бўлсин, албатта.

Биз ўз хатоларимизни мардона таҳлил этдик. Лениндан кейин қачон шундай таҳлил бўлган эди? Оғир вазминлик билан атрофлича таҳлил этдик. Ўзимизнинг жуда жиддий хулоса ва қоидаларимизни яққол кўрсатиб бериш учун кўпгина ўткир фактларни топа олишимизни тушуниб турибсизлар, деб ўйлайман. Ҳар қандай масала юзасидан шундай қила оламиз. Аммо ҳозир гап эҳтиросларни кучайтириш учун фактларни кўрсатишдангина иборатми? Бу — сиз билан бизнинг йўлимиз эмаслигига ишончим комил. Биз социализмни қуришимиз, янгилашимиз керак. Биз тарихимизга ва айниқса социалистик тарихимизга чуқур томир ёйган илдизлар берадиган ҳамма шарбатдан қувват олиб ва ундан фойдаланиб, 30-40-йиллардан ва сўнгги турғунлик давридан давом этиб келган жамики салбий ҳодисаларнинг пайини қирқиб, ўз жамиятимизни олға силжитишимиз керак.

Биз олға боришимиз ва олдинга қарашимиз лозим. Дилкаш суҳбат эса дилни очиш учун ўтказилади. Шу сабабли ҳеч қандай депсиниш, ҳеч қандай чекиниш бўлмасин, аксинча — олға, фақат олға борайлик!

«Новости» матбуот агентлиги правлениесининг раиси **В. М. Фалин** ўз нутқида бундай деди:

Биз ҳозир яшаб турган давр назаримда, ўзининг бошқа хусусиятлари билан бир қаторда битта хусусияти билан ажралиб турибди, у ҳам бўлса, барча халқларнинг маънавий эҳтиёжлари ўсиб, ҳар бир халқнинг ва ҳар бир давлатнинг турмушидаги маънавий омил ошиб бораётганлигидир.

Биз тарихда қилган ҳамма хатолар ўтмишда қолиши керак. Бизнинг хатоларни такрорлашга, янги хатолар қилишга ҳаққимиз йўқ, қачонлардир, орадан 10-15 йил ўтгач, ўз хатоларимизни тузатиш билан шуғулланиб юрадиган бўлмайлик.

Айтиш мумкинки, биз ишонч кредитини тамом қилдик ёки тамом қилишга яқинлашиб қолдик. Зотан, бугунги кунда биз фақат ҳақиқатни, бор ҳақиқатни ёза оламиз. Бугун ҳақиқатни айтишга қодир эмас эканмиз, шу ҳақиқатни кейинчалик айта олмагунимизча, яхшиси муайян вақтгача умуман гапирмаслик керак, лекин кейинчалик ҳаммасини керагича айтиш лозим. Аммо тарих тўғрисида гапирганимизда, биз кейинги вақтларда кўпинча кўкрагимизга уриш билан машғул бўлмоқдамиз. Тарих тўғрисида гапирганда эса фақат Совет давлати ва Россия тарихини англаяпмиз. Тарих эса биз билангина чекланиб қолмайди, бинобарин тарихимизда бўлган воқеаларнинг кўпи мамлакатимиз доирасидан ташқарида рўй берган, бизнинг бошқа мамлакатлар билан муносабатларимиз натижаси бўлган, воқелигимизга ташқаридан киритилган воқеаларнинг ҳосиласи, акс-садосидир.

Ҳозир, деди сўнгра В. М. Фалин, қайта қуриш, Вашингтонга қилинган визит якунлари ва Вашингтондан кейин қилиниши лозим бўлган ишлар хусусида Ғарбда билдирилаётган фикр-мулоҳазаларга жуда эътибор билан назар ташланадиган бўлса, у ердагилар ўтган йил ва бурноғи йилда мавжуд бўлган жиҳатларга эмас, балки мутлақо бошқа жиҳатларга эътиборни қарата бошлаётганликларини пайқаш қийин эмас. Эндиликда янгиланиш, демократиялаш, ошкоралик хусусида завқ-шавқ йўқ, балки бунинг акси бўлмоқда.

**М. С. Горбачев.** Энг асосийси эса халқимиз орасида ишончсизлик уруғини сочишга уринмоқдалар. Рус тилида ва бошқа халқларнинг тилларида ёзилиб, мамлакатимизга келтирилаётган нарсаларнинг ҳаммаси биз қайта қуришни амалга оширишимизга шубҳа-гумон туғдиришга қаратилгандир.

**В. М. Фалин.** Бу ишнинг бир томони. Иккинчи томони эса у ерда мавжуд бўлган ишончсизликни сақлаб қолишдан, уни авж олдириш учун янги материал, ёниғи ташлашдан иборатдир. Шу муносабат билан бу муддао ғоят жиддий эканлигини айтиб ўтмоқчиман. Биринчи жаҳон урушидан кейин америкаликлар бизга қарши шу қадар душманлик позициясини эгаллашганининг сабаби фронтдан қайтиб келган Америка солдати ўз системасига қарши бош кўтарганлигида эди. Америка ишчиси Октябрь революциясидан кейин социал ҳуқуқларни талаб қилди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин америкаликлар ғалаба самараларини биз билан баҳам кўришни истамаганликлари учунгина Совет Иттифоқига нисбатан бурилиш рўй бериб қолгани йўқ. АҚШ маъмурияти Совет Иттифоқига нисбатан дўстлик ҳис-туйғулари бу давлатнинг ички ва ташқи сиёсатига таъсир ўтказишидан қўрққан эди.

1946 йилда буни Сульцбергер эътироф этган эди, мўътабар олимлар ўз асарларида шуни эътироф этмоқдалар, бу эса ҳақиқий ва реал фактдир. Америка разведкасининг шундай бир ҳужжати борки, унда 1943 йилда Совет Иттифоқи билан коалициядан чиқиб, ўша даврда Совет Иттифоқига қарши биргаликда кураш олиб бориш учун фашистлар Германияси билан бирлашиш тавсия қилинган эди. Бу Курск ёйидаги жангдан кейин дарҳол, 1943 йилнинг августидаги гап эди. Шу боисдан Қўшма Штатларда рўй бераётган воқеаларга эътибор билан назар ташланса, биз кайфиятлардаги бундай бурилишга етилиб келаётган жуда жиддий ўзгаришлар кўрсаткичи, деб қарашимиз ва бунга тайёр бўлиб туришимиз керак.

Нотиқ сўнгра қайта қуриш, ошкоралик, демократиялаш ишида совет матбуотининг резервларига тўхталиб, кўп нарсани мақсадга мувофиқ, аниқ мақсадга қаратилган ва мунтазам ҳаракатлар йўли билан амалга ошириш мумкинлигини таъкидлади. Матбуотда эълон қилинаётган мақолалар билан шундай мақола келтириб чиқарадиган оқибатлар ўртасида мутаносибликка эришиш лозим. Аммо ҳамиша ҳам шундай бўлавермайди. Баъзида қуюшқондан чиқувчи факт газетада фош қилинади, газетхон бунга қандай муносабат билдиришини кутади, лекин ундан дарак бўлмайди. Одамлар ўртасига ғулу солишнинг нима ҳожати бор эди, деган савол туғилади. Бутун ошкоралик гапириш мумкин бўлмаган бирон нарса ҳақида гапириш ҳуқуқидангина иборат бўлиб қолиб, танқид оқибатлари эса эътибордан четда қолиб кетмоқда. Нотиқ ҳозирги вақтда қайта қуриш жараёнида юзага келган янги тўсқинлик механизмлари пайдо бўла бошлаганига эътиборни жалб қилди.

Сўнгра «Правда» газетасининг бош редактори **В. Г. Афанасьев** сўзга чиқди. У қуйидагиларни айтди: бизнинг матбуотимиз, шу жумладан, «Правда» ҳам қайта қуришнинг биринчи босқичида, биздаги мавжуд нарсаларга, биз қаерда турганлигимизга, қандай муаммоларимиз, қандай нуқсонлар, хатолар, камчиликлар борлигига, бундан буён қай томонга боришимизга бир назар ташлаш лозим бўлган пайтда яхши ишлади. Бунда биз ҳаммамиз танқид бобида жуда зўр малака орттирдик. Аммо кейинчалик фикрлаб кўриб, партия XXVII съездининг қарорларини ҳам, Михаил Сергеевич Горбачевнинг гапларини ҳам эътиборга олиб, танқиднинг ўзи билангина қайта қуришни амалга ошириб бўлмайди, деган хулосага келмаслик мумкин эмас эди. Худди шу ерда биз энг қийин ишга дуч келдик. Тўғрисини айтсак, бунда «Правда» бир мунча бўшашиб, бироз вақт баъзида саросимага тушиб қолганди, бунинг учун биз катта кенгашларнинг бирида ҳаққоний танқид қилинган эдик. Ана шу танқиддан биз хулосалар чиқариб, бир қанча шошилинч ва истиқболли чора-тадбирларни кўрдик.

Биз ҳозирги пайтда қайта қуришнинг иккинчи босқичида матбуот учун энг муҳими — қайта қуришнинг ғоят хилма-хил жиҳатлари: ҳам инсоний, ҳам технологик, ҳам социал-психологик жиҳатларида унинг илғор тажрибасини излаб топиш, оммалаштириш ва қўллаб-қувватлашдан иборат деб ҳисоблаймиз. Бунда биз адресларни ҳам, номларни ҳам, турли хил маслаҳатлар ва истакларни ҳам олишимиз учун партия органлари, партия Марказий Комитетининг бўлимлари, раҳбарияти билан яна ҳам қалинроқ алоқа боғлашимиз керак.

Яна шуни айтиш керакки, биз бундай тажрибани дуруст излаётганимиз йўқ, ёмон излаяпмиз. Баъзи жойларда эса ҳатто излашни ҳам билмаймиз. Нима учун шундай? Шунинг учунки, биз, журналистлар янги шароитда ишлашга, ҳозирги замон янги муаммоларини ҳал этишга етарлича тайёрланмаганмиз. Товар-пул муносабатларини олиб кўринг. Биз булар билан шуғулланмадик. Илм-фан ҳам ёлчитиб шуғулланмади. Кооператив ҳаракатни, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини олиб кўринг. Биз булар билан ҳам шуғулланмадик. Турмушимизнинг инсоний, социал-психологик жиҳатларини олиб кўринг. Бу иш билан ҳам шуғулланмадик. Шу боисдан биз қайтадан ўқиб-ўргана бошладик. Биз олимларни, билимдон, хабардор кишиларни кўпроқ жалб эта бошладик, аммо афсуски, ҳозирча илм-фан ҳам бизга барибир яхши ёрдам бермаяпти. Масалан, долзарб, мароқли, замонавий мақола керак бўлиб қолди дейлик. Институтларни айланиб чиқасан, академикларнинг ва академикликка номзодларнинг ҳаммасига қўнғироқ қиласан-у, керакли мақолани топа олмайсан киши. Баъзида, эҳтимол, унча малакали бўлмаса ҳам бирон иш қилишга тўғри келади, бунинг учун бизни танқид қилишади. Шу боисдан биз ҳам янги муаммоларни ҳал этиш йўлларини ўрганиб олишимиз керак, ижтимоий фанларимизни ҳам ғоят жиддий равишда етарли даражага кўтариш лозим бўлса керак.

В. Г. Афанасьев кейинги вақтда матбуотдаги танқидга тўсқинлик қилиш механизмлари яна пайдо бўла ётганлигини таъкидлади. Юзаки ёзиб юборилган жавоблар ҳам, танқидий мақолалар юзасидан кўрилган чораларнинг мос келмаслиги ҳам, бир лавозимдан иккинчи лавозимга ўтказиб қўйиш ҳам шулар жумласидандир. Танқидий материалда кичик бир ноаниқликни, оз бўлса-да, иккинчи ноаниқликни топиб, гарчи мақола принцип жиҳатидан тўғри бўлса ҳам бутун материални рад эта бошлаш энг кўп тарқалган метод деса бўлади. Афсуски, биз жойларда ҳамиша ҳам партия органларининг мададини олаётганимиз йўқ.

Тарихимиздаги «оқ доғлар» тўғрисидаги масала, деди сўнгра «Правда»нинг бош редактори, Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган докладда жуда рўй-рост ўртага қўйилди. Докладда биз ана шу «оқ доғлар»га барҳам беришимиз керак, деб айтилди. Сўнгра В. Г. Афанасьев ушбу мавзуга қўл ураётган баъзи авторлар етарлича билимга ҳам, масъулият ҳиссига ҳам эга эмасликларини айтди. Ваҳолонки, гап буюк мамлакат ва партиянинг тарихи тўғрисида бораяпти-ку, ахир. Бунда ҳам талабчанлик, вазминлик ва аниқлик даркор. Нотиқ шу муносабат билан М. Шатровнинг «Нарироқ... Нарироқ... Нарироқ!..» пьесаси хусусида ўзининг танқидий мулоҳазаларини айтиб ўтди.

В. Г. Афанасьев ҳамкасб журналистларни партиявий принциплардан воз кечмасликка, КПСС Марказий Комитети, партия XXVII съезди, Марказий Комитетнинг шундан кейинги Пленумлари ишлаб чиққан сиёсатда ана шу принципларга қатъий амал қилишга даъват этди.

СССР Кинематографчилар союзи правлениесининг биринчи секретари **Э. Г. Климов** шу союз ўз ишида мутлақ ошкоралик, рўй-ростлик, ўртоқларча мулоқот муҳитини вужудга келтиришга интилаётганлиги тўғрисида гапирди. Бу — бутун кучларимизни жипслаштиришнинг ғоят муҳим воситасидир, деб таъкидлади у. Биз бир-биримизга фикримизни тушунтиришни, баҳслашишни ва бир-биримизга қулоқ солишни ўрганиб олишимиз керак. Шу мақсадда бизнинг союзимизда илмий марказ ташкил қилинган бўлиб, унда, жумладан социологлар ҳам бор. Союзнинг деярли барча аъзоларини анкетага ёзиб чиқиш асосида тегишли анализ қилинади, бу эса фаолиятимизни тўғрилашга ёрдам беради.

Нотиқ «Ислоҳот ва кинематограф» мавзусига тўхталиб, у бирмунча мушкуллик билан ўтаётганлигини таъкидлади. Эндиликда бир вақтлар пинҳон бўлиб ётган нарсалар яққолроқ кўзга ташланиб қолди. Ислоҳот конкрет одамларнинг манфаатларига анча сезиларли даҳл қила бошлаганлиги сабабли мавжудлигини биз илгари хаёлимизга ҳам келтирмаган ҳодисалар пайдо бўла бошлади. Бу нарса бутун мамлакатда, барча соҳаларда қайта қуриш жараёнига хос хусусиятдир.

Бу яхшими ёки ёмонми? Ҳеч нарсадан бехабар бўлгандан кўра пинҳон бўлиб ётган нарсаларнинг пайдо бўлишини билган яхшироқдир. Кинематографияда қайта қуриш муҳолифлари борми? Ҳа бор, улар муайян марказдан муайян одамларга қандай фильмни қўйиш тайинлаб турилган даврларга қайтишга очиқдан очиқ даъват этмоқдалар. Улар илгаригидек картинани қўйиш навбати сақланиб қолишини, ҳар бир киши навбати билан ўз фильмини қўйишини истайдилар. Табиийки, давлат пули ҳисобига шундай қилишни хоҳлайдилар. Бироқ ҳар бир киши навбат кутиш принципини сақлаб қолиб, ишлаши лозим бўлган ижод ҳам иш бўптими? Бизнинг ислоҳотимиз ижодий беллашувни тақозо этади. Муаммолар, мароқли проблемалар ўртага қўйилган, ҳаққоний режа ижодкорларнинг истеъдоди билан таъминланган тақдирдагина постановка ҳуқуқига эгадир. Ҳозир, эҳтимол, ўзгача яшаш ва ижод қилишдан оммавий манфаатдорлик ҳар қачонгидан кўра кўпроқ намоён бўлди.

Сўнгра нотиқ кинофильмга авторлик ҳуқуқи тўғрисидаги масалага тўхталди. Унинг фикрича, шу масаланинг ижобий ҳал этилиши фильмларимизни 45—60 минут «қисқартириш» имконини бермайди. Масалан, Франция ва АҚШда «Талваса» кинолентасини ана шундай «қирқиб», ундан барча сиёсий саҳналарни олиб ташлашган эди.

Э. Г. Климов республикалар Кинематография давлат комитетларини ортиқча, тўсқинлик қилувчи инстанция деб атади. Ислоҳотимизга ниҳоятда мос бўлиб тушадиган, — хўжалик ҳисобидаги ишлаб чиқариш бирлашмаларини ташкил қилиш тўғрисида таклиф бор деди у. Катта республикалар муаммони шундай йўл билан ҳал этишмоқчи, деб аниқлик киритди нотиқ.

**(Давоми тўртинчи бетда).**

